

НАВОИЙ ИЖОДИДА АДОЛАТЛИ ШОҲ КОНЦЕПЦИЯСИ

Мафтуна ХУДАЙНАЗАРОВА

Магистр

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

maftunaxudaynazarovamaftuna@gmail.com

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг давлат ишларини юргизишда адолат билан иш тутиш, подшоҳларнинг халқ эҳтиёжларини қондира олиши, адолат ҳукм сурган давлатда илм-фаннинг ривожланиши, ободончилик, тинчликнинг муқаррарлиги, султон тахти ва унинг номи абадийлиги хусусидаги фикрлари ёритилган.

Таянч сўзлар: Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Шоҳ Ғозий, адолат, ободончилик, илм ва маърифат.

КОНЦЕПЦИЯ СПРАВЕДЛИВОГО ПАДИШАХА В ТВОРЧЕСТВЕ НАВОИ

Мафтуна ХУДАЙНАЗАРОВА

Магистр

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

Аннотация

В статье освещается приверженность Алишера Навои справедливости в государственных делах, его суждения о способности падишахов удовлетворять потребности народа, о развитии науки в государстве, в котором царит справедливость, неизбежности благоустройства и процветания, троне султана и вечности его имени.

Ключевые слова: Алишер Навои, Хусейн Бойкара, Шах Гази, справедливость, развитие, наука и просвещение.

Тарихдан яхши маълумки, Алишер Навоий нафақат шоир ва улуғ мутафаккир, шу билан бирга у Ҳусайн Бойқародек подшоҳнинг амири ҳамда дўсти бўлган. Навоий сарой вазифаларида юрган вақтида халқ ҳаётини яхши ўрганган, улар мурожаатларини бефарқ қолдирмаган. Халқнинг шикоят ва илтимосларини қондиришда Ҳусайн Бойқарога ҳам ёрдам кўрсатган. Тарихий асарларда (Хондамир ва Мирхонд асарларида) бу ҳақида батафсил ёритилган бўлиб, биз Навоийни бу ўринда давлат арбоби ва етук сиёсатчи сарой вакили сифатида таниб олишимиз мумкин. Навоийнинг ўзи “Вақфия”да бу борада қуйидагиларни изоҳлайди: “Илгимдан келганча зулм тўғини ушотиб, мазлум

жароҳатиға интиҳол малҳамин қўйдим. Ва илгимдин келмаганни ул ҳазрат арзиға еткурдим. То зулм паланги терисидин кийик суръатлик бодполар ғошиясиға зийнат берди ва мазлум жони кийиги кўзига амният марғзорида қоплон доғлар ўрнига лола доғлари кўргузди.

Рубоий:

*Шаҳ адли уйини айлайин деб маъмур,
Саъй айладим ул қадарким, эрди мақдур.
Ҳар нечаки тенгридин етар шамъга нур,
Парвона эрур жони куярдин маъзур*” [2; 259].

Мамлакат ободлиги йўлида Навоийнинг ҳиссаси беҳад катта. Роботлар, хонақоҳ, масжид ва мадрасалар қурилишида айнан Ҳусайн Бойқаро билан бамаслаҳат фикр юргизиб, кўпдан-кўп қурилишлар учун маблағни ўз ёнидан тўлайди. Хусусан, “Вақфия”да бир мадраса тарҳини чизиб, подшоҳга маслаҳат қилса ва қурилишни бошласа, унда халқ Аллоҳни ёд этиш билан бирга шoҳни ҳам дуо қилса, дейди ва бу мадраса ва масжид қад кўтаргани ва уни “Ихлосия” деб ном қўйилганини ёзади:

*Шаҳ давлатидин итти бу дайру калисо
Ўрнида бўлди мадрасау масжиде бино* [2;263].

Навоийнинг теран мушоҳадали сарой вакили – амири, вазири эканлиги Ойбекнинг “Навоий” романида ҳам кенг ёритилган. Аммо биз яхши биламизки, шoҳ атрофида аҳбоблардан ташқари мунофиқ, ғаразли, ўзини ўйлайдиган амалдорлар ҳам бўлиши тарихий ҳодисалардандир. Шoҳни амалдорлар ўзларига оғдиришга (халқни талаб, солиқлар солиб), бойишга ҳаракат қилганлар (бу ўринда Ҳусайн Бойқаронинг парвоначиси Мажидиддин Муҳаммадни мисол қилиб келтириш ўринли). Навоийдек шахсни шoҳдан узоқлаштиришга уринганлар, буни яхши англайдиган теран мулоҳазали Навоий адолат йўлини тутиб, подшоҳга халқ дарди билан яшаш, истак-хоҳишларини тинглаб, уларга шароит яратиб беришга, ўзини ҳам оқилона фикрлари ва жавоблари билан бундай қийин вазиятлардан олиб чиқишга

уринган. Ана шу вазиятларни енгилда подшоҳнинг халқ олдида юзи ёруғ бўлишида Навоийнинг хизматлари бекиёсдир.

*Гардун гаҳ манга жафоу дунлиқ қилди,
Бахтим киби ҳар ишта забунлиқ қилди,
Гаҳ ком сари раҳнамунлиқ қилди,
Алқисса: баса буқаламунлиқ қилди [1;5].*

Алишер Навоий мана шу сиёсат орасида юрган кезларида кўп нарсаси шохга боғлиқлиги, адолат йўли энг тўғри йўл эканлигини подшоҳга айтишдан ташқари ўз асарларида ҳам бу концепцияга алоҳида эътибор беради ва шу сабаб важдан ҳам Ҳусайн Бойқарони “шоҳ Ғозий” деб улуғлайди:

*Фалакқадрларнинг ниёзи анга,
Фалакдин лақаб шоҳи Ғозий анга,
Дема айни инсонки, инсони айн
Ҳам инсону ҳам айну Султон Ҳусайн [2;247].*

Ёки “Маҳбуб ул-қулуб”да:

*Бори бенаволар навосози ул,
Ҳамул навъким, Шоҳ Абулғози ул,
Келиб айни инсону инсони айн,
Жаҳон вориси Шоҳ Султон Ҳусайн.*

Шоҳнинг адолатли бўлиши тўғрисидаги қарашларини Нажмиддин Комилов бирлаштириб, қуйидагиларни асослайди:

–шоҳнинг ўзи шариат талабларига амал қилиши ва бошқалардан ҳам шуни қатъий талаб этиши лозим;

–раиятнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриш, адолат истаб келганларнинг арзини мунтазам равишда эшитиб, золимларни жазолаш, шоҳ ва фуқаро орасида ўзаро ишонч ва муҳаббатни қарор топтириш;

–Девонда иш юритишни қатъий интизом асосида йўлга қўйиш, таъмагирлик, порахўрлик, сусткашликка йўл қўймаслик.

Навоий яна шуни таъкидлайдики, мамлакатнинг ҳалол, виждонли кишиларини, обрў-эътиборга эга уламолар, арбобларни кадрлаш ва уларга суяниш лозим [7].

Хусайн Бойқаронинг адолатпарвар шоҳ эканлиги тарихий китобларда ҳам ёзилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида Хусайн Бойқарони Хуросон мамлакатининг олий шаън султон, юсак макон, подшоҳлик осмонининг қуёши, шаҳаншоҳлик айвонининг Жамшиди, мисра – машриқ ерлари султонию, мағриб ерлари шаҳаншоҳи, салтанату дунё ва динни улуғловчи Абу-л-Ғозий мирзо Султон Хусайнга азалдан иноят қилиб, қазодек ўткир фармонини у мамлакатда имзо ва жорий этган, дея келтирилади. Шу билан бирга унинг тахтга ўтириши билан эл-у юртда эмин-эркинлик ва халқ, хатто ҳайвонлар ҳам ҳаловат ва ором топа бошлагани ҳақида таъкидланади:

Ваҳший ҳайвонлару қушлар эминлик қучоғида ором топди,

Инсу жонлар адолат соясида осудалик касб этди [8; 621].

Адолат бор жойда гуллаб-яшнаш, ривожланиш, халқ фаровонлиги бўлади. Навоий тили билан айтадиган бўлсак, қайси мамлакатнинг подшоҳи одил бўлса, Аллоҳдан халққа марҳамат ёғилгандир ва бундай подшоҳни боғбонга қиёс қиладики, айна қуёшли баҳор чоғида қора тупроқдан гул ундиради. Оддий ва заифлар одил ва марҳаматли шоҳнинг меҳрибончилигидан сокин ва бахтиёр, золим ва ситамгарлар эса қиличи тиғидан озурда. Ҳаттоки, қўй-қўзиси бўрилардан хавфсирамайди, йўллар қароқчилардан ҳоли, элида кам-куст, очлик йўқ, ўғрилар эл молига қўз тиколмайдики, интиқоми даҳшатлигидан журъат топа олишмайди. Тунда ҳам савдоси авжида, нурга тўла кўчада тунда ҳам отлар туёғи товуши тинмайди. Хонақоҳларда кеча-кундуз ибодат тинмаганидан ҳамма жой нурга тўла, деб тўхталади.

“Хамса” таркибидаги биринчи достони бўлмиш “Ҳайрат ул-аброр”нинг 27-бобида Хусайн Бойқаронинг адолатли иш тутгани ва қайсики подшоҳ бўлмасин халқига шундай адолат билан жавоб қайтариши лозимлигини

уктиради: Шоҳ Ғозий қаҳрининг гармсели бир қайсар бошоқни барбод этгани, адолатининг суви эса ўша бошоқ битган бузуқ экинзорни обод қилгани, яъники унинг қўл остидаги йигитларидан бири жанг вақтида вафот этган ва шу йигитнинг онаси унинг хунини талаб қилиб шоҳ ҳузурига келади ва ундан адолат қилишини сўрайди, шунда шоҳ Ғозий кампирнинг ёнига қопда олтин ва бир ёнига тиғ қўйиб, агар пул дардида келган бўлса, қопдаги олтинларни олишини, агарда хун талаби бўлса, бошини ўша тиғ билан олиши мумкинлигини айтади, кампир унинг бу ҳаракатидан таъсирланиб, бу ишда енгилгани ва даъвосидан кечганини айтади. Сарой унинг адолатидан янада мунаввар бўлади.

Баъзи бир шоҳлар ҳам борки, уларнинг золимлигидан мамлакат ва халқ аҳволининг оғирлиги уларни ўйлантирмайди. Обод жойлар унинг зулмидан вайрон, кабутар уйи бойқушларга ошиён, ноҳақ қон тўкиш унинг хунари, ундаги халойиқ зиндонбанд аҳволидек, деб айтиш баробарида бундай шоҳларни танқид қилиш ва фош қилишга бел боғлаганлигини айтиб ўтади.

Халқ дардини тингламаган, унинг жонига оро бўлмаган шоҳ тахти бардавом бўлолмаслиги ҳақида кўп бора подшоҳга таъкидлаганлиги, шу қаторда ўғилларини ҳам инсофга чақиришда тарихда падарқушликнинг оқибати яхшиликка олиб келмаганлиги, тўғри йўлга ўтишлари кераклигини уқтиришга уринади. Бу йўлда ўзини аямайди:

*Таоллоҳу зиҳи ҳар покдин пок,
Ки, не шаҳ, не гадодин бор анга бок,
Гадони шоҳ этардин йўқ харосон,
Анга шоҳни гадо қилмоқ ҳам осон [3;153].*

Юқорида келтирилган фикрларини далиллашда Навоийнинг “бир соатлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзалроқ” жумласини келтириш асослидир. Қуйидаги маснавий ҳам ушбу фикрларимизга исботдир:

*Агар юз қатла булбул чексун афгон.
Баҳор ўлмай гул очилмоқ на имкон,
Агар оламини тутсун шоми дайжур,*

Тонг отмай кун чиқармоқ кимга мақдур [3;156].

Ҳусайн Бойқарони айнан адолатпеша подшоҳ дейиш баробарида унинг маърифатга ошно подшоҳ эканлигини “Мажолис ун-нафоис” асарида алоҳида таъкидлаб ўтади. Ҳақиқатпарвар, халқпарвар подшоҳлар доим маърифат, илмликка ошно бўлганлари тарихдан маълум, шу маънода 8-мажлис тўлалигича Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Унинг шеър айтишда беназир эканлиги, Султон ҳазратнинг яхши шеърлари ва суюкли байтлари ниҳояси йўқлиги ва девон тартиб берганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади. Ҳусайний девонидан ўрин олган ғазалларни араб алифбоси тартибида икки мисрадан келтириб шарҳлаб ўтади. Биз Ҳусайн Бойқарони адолатли шоҳ дейиш билан чекланмасдан маърифатга ошно подшоҳ дейишимизда яна шуни исбот сифатида келтиришимиз мумкинки, Навоий “Ҳазойин ул-маоний” дебочасида бу ҳақида тўхталган – Навоий девонларининг тартиб берилиши, куллиёти ҳам унинг буйруғи асосида вужудга келгандир: “Умид улким, бу тўрт девонким, султони соҳибқирон оти била мутарраз, ҳам анинг отидек рубъи маскунда тулғаю ҳам анинг алқобидек тўртинчи кўкка дегинча мунташир бўлғай...”

Шоҳ қандай бўлса унинг халқи унинг аксидир: агар шоҳ ўз сиёсатида адолатни шиор қилган экан, унинг халқи турмушида ҳам адолатдан нишон бор – ёлғончилик, иккиюзламачиликни ҳеч қаерда кўрмайсан. Демакки, зулмни шиор қилган экан, халқи ҳам зулмкор, доно шоҳ суви сероб дарё, унинг қавми эса дарё атрофидаги анҳордир:

*Аригларки, ул баҳрдин айрилур,
Биликлик аларминг суйин ҳам билур,
Чу бирдур сув дарё била наҳр аро,
Эмас таъмида ҳождати можаро [1; 17].*

Адолатли шоҳларга, уларнинг фаолиятига доир қисқача маълумотларни “Тарихи мулуки Ажам” асарида келтириб ўтган ва бу шоҳларнинг зоҳир ва ботинида мужассам этган хислатларни Ҳусайн Бойқаро сийратига киритишни кўзда тутаяди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий ўзи яшаган давр кийинчиликлари, макр ва хийлалари, сарой зиддиятларини ўз кўзи билан кўриб, унга ечим қидирав экан, хаёлотда яратган дунёси, мамлакатини, унинг шоҳ ва аъёнларини қандай кўришни истаган бўлса, шундай ҳолатда асарларига кўчириб ўтади. Халқ дардини тинглаб, унга шароитини тўғрилаб берган подшоҳнинг умри боқийдир. Бу ўринда тарихда ўтган одил подшоҳларни: Фаридун, Анушервон, Манучехр, шоҳ Таҳмосб кабиларни келтиради. Аммо бепарво, айш-ишратни севувчи подшоҳлар узокқа бормаганлиги, тахтда кўп вақт туролмаганлиги ҳақида ёзади. Албатта, халқ бундай подшоҳларни тахтда муқим ушлаб турмаслиги маълумдир ва номи ҳам абадиётда яхши ва аъло сифатлар билан ёдга олинмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий, Алишер. Махбуб уль-Кулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 14 жилд. – Тошкент: Фан, 1998. – 315 б.
2. Навоий, Алишер. Вақфия. Мукаммал асарлар тўплами. 14 жилд. – Тошкент: Фан, 1998. – 315 б.
3. Навоий, Алишер. Муншаот. Мукаммал асарлар тўплами. 14 жилд. – Тошкент: Фан, 1998. – 315 б.
4. Навоий, Алишер. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Тошкент: Фан, 1997. – 300 б.
5. Навоий, Алишер. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 239 б.
6. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент, 1993.
7. Комилов Н. Навоий ижодида миллий давлатчилик ва ҳуқуқ. Давра суҳбати ва Алишер Навоий олами. 9.02.2018. [хтtps://kx-davron.uz](https://kx-davron.uz)
8. Самарқандий, Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 831 б.
9. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 269 б.